

O'ZBEKISTON




OVOZSI

IJTIMOIY-
SIYOSIY
GAZETA

■ 2003-YIL ■ 25-FEVRAL ■ SESHANBA ■ 23 (27.043) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan.

Шўртман газни — ноёб захира



Давлатимиз раҳбари 1998 йил 3 июнь куни халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашининг сессиясида «Полиэтилен маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган Шўртман газ-кимё мажмуи қурилиши халқ хўжалиги учун алоҳида аҳамиятга эга, — дея баҳо берганди. — Бу корхона бир йилда 125 минг тонна полиэтилен, конденсат ва газ маҳсулотлари ишлаб чиқаради. Корхона қурилишига АҚШ, Германия, Япония ва бошқа давлатларнинг нуфузли компаниялари

жалб этилган. Иншоот қурилишига 600 миллиондан кўпроқ АҚШ доллари миқдоридан сармоя сарфланиши кўзда тутилган». Кўзда тутилган ана шу стратегик режалар бугунги кунда муваффақиятли ва изчил амалга оширилмоқда. Бундан ташқари биргина «Шўртманнефтгаз» унитар шўба корхонаси фаолиятида ҳам яққол қўриб турибмиз.



Корхона бугунги кунда республикамизнинг 40 фоиз газини етказиб бераётган улкан нурхонага айланди. Хозир бу ерда уч минг нафарга яқин ишчи-хизматчи жонбозлик билан меҳнат қилиб, давлат буюртмаларини ортиғи билан бажариб келмоқдалар. Масалан: 2002 йил якуни бўйича режадаги 18886 миллион метр куб ўрнига 19577,9 миллион метр куб табиий газ, 50 минг тонна ўрнига 54,772 минг тонна суюлтирилган газ, 40 минг тонна нефть, 6 минг тонна олтингугурт ишлаб чиқарилди. Корхонанинг экспорт миқдори ҳам йил сайин кенгайиб бораёпти. Биргина ўтган йили

Эрон, Афғонистон, Тожикистон мамлакатларига 2 миллион 466 минг АҚШ доллари миқдоридан маҳсулот жўнатилди.

— Бу ишларнинг натижаси — йиллик балансимиз даромадини 36 миллиард 472 миллион сўм бўлишини таъминлади, — дейди корхонанинг етакчи иқтисодчиси Илҳом Бозоров. — Рентабеллик даражаси 339,6 фоизга кўтарилди. Табиийки, ишчи-хизматчиларимизнинг ҳам иш ҳақи ўсди. Бевосита

Замон Али

Суратларда: (юқоридан) корхонанинг умумий кўриниши; катта назоратчи — Шўхрат Жалилов; лаборантлар — Абдураззоқ Бозоров (ўртада), Дилдора Жумаева, Анна Кормулицина; ишчилар — Маҳмадиёр Мирзаев, Низомиддин Мустафоев. Абдурусул ПАРДА олган суратлар.



Навоийда вилоят فراоллари йиғилиши

Навоий вилояти фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда туман ва шаҳар ҳокимлари, бошқарма, бирлашма, уюшма ва йирик корхоналар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар. Йиғилишда мамлакатимиз Президентининг Ислам Каримовнинг Вазирилар Маҳкамасида қўлланган маърузасидан келиб чиқадиган хулосалар асосида вилоят ҳокими Б.Рўзиев «2002 йилда вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2003 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида» нутқ сўзлади. Музокара-

ларда қатнашган нотиқлар вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаётида рўй берган ижобий ўзгаришлар ва йўл кўйилган хато-камчиликлар ҳақида гапирдилар. Йиғилишда корхоналарнинг молиявий аҳолини яхшилаш, ўзаро ҳисоб-китобларни тақомиллаштириш, рақобатбардош товарлар ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, қишлоқ хўжалиги соҳаси ривожига катта эътибор қаратиш, аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда болалар спортини ривожлантириш борасида олдинда турган вазифаларга алоҳида эътибор берилди.

Абдимуҳаммад НОҲБОЕВ, Навоий шаҳри.

«ЎЗБЕКISTON OVOZSI» GA JAVOB BERADILAR

«Қасамга хиёнат»

Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Ўзбекистон овози» газетасининг 2003 йил 9 январь сонидан чоп этилган «Қасамга хиёнат» сарлавҳали мақолани республика 1-сонли клиник касалхонаси жамоаси ўртасида муҳокама қилиб, унда қайд этилган камчиликлар тақдирини қайтариш мақсади билан тегшли чора-тадбирлар белгилади. Ҳақиқатдан ҳам республика 1-сонли клиник касалхонаси травматология бўлимининг мудири М.Рихсиев бемор И.Бобоевга ўзи олиб келган лидокан дорисини биологик текширувдан ўтказмай муолажа қилиши оқибатида бемор ҳаётдан кўз юмган. Травматология бўлимининг

мудири М.Рихсиев йўл қўйган хатоликларни учун республика 1-сонли клиник касалхонаси бош шифохорининг 2001 йил 1 августдаги буйруғи билан ишлаб турган лавозимидан озод этилди ва Ўзбекистон Республикаси ЖК 116-моддасининг 3-қисми билан судланди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги мақолада кўрсатиб ўтилган камчиликлар даволаш-профилактика муассасалари фаолиятида яна қайтариш мақсади билан шифохоналарда стационар ва амбулатория-поликлиника шарафидан даволанаётган беморларнинг ўзлари олиб келган дори-дармонларини муолажа қилишдан олдин намуна сифатида биологик текширувдан

ўтказиш лозимлиги тўғрисида кўрсатма хат тайёрлаб, жорий йилнинг 14 февраль куни барча вилоятларга юборди. Кўрсатма хатда даволаш-профилактика муассасаларидаги тартиб-интизомга, беморларни қабул қилиш, даволаш, уларни ҳаётий зарур бўлган дори воситалари билан таъминлашга, беморлар ўзлари олиб келган дори-дармонларнинг сифатини назорат қилишга шахсан биринчи раҳбарлар жавобгар эканликлари уқтириб ўтилди. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг биринчи муовини Д. АСАДОВ

ЎТГАН ҲАФТА: ВОҚЕА, ТАҲЛИЛ, ШАРҲ

Сарҳисоб, стратегия ва салоҳият

Ўтган ҳафта барчанинг диққат-эътибори Вазирилар Маҳкамасининг 2002 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2003 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган Мажлиси тафсилотларида бўлди. Унда ўтган йили амалга оширилган ишларимиз сарҳисоб қилиниши билан бирга иқтисодий ривожлантириш борасида ўтказилаётган ислохотларнинг натижалари, стратегик салоҳият ва узоқ истиқбол ҳамда яқин келажакка мўлжалланган Дастуриямизнинг бугунги кун амалиётига нечоғли мос ёки мос эмаслигига ҳам баҳо берилди. Мажлисида Президентимиз Ислам Каримов маъруза қилиб, ўтган йили халқ хўжалигининг барча тармоқларида эришилган ютуқлар — энг аввало, мамлакатимиз аҳоли меҳнати самараси эканлигини таъкидлади. Қолаверса, иқтисодий ислохотларни янада эркинлаштириш, чуқурлаштириш, иқтисодий таъминлаш йўли мустақилликда ўтган йилларнинг ҳар бириданги каби ўтган йили ҳам аниқ мақсад-

ларга йўналтирилган ҳолда изчил давом эттирилгани айтиб ўтилди. Хусусан, корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва акциялаштириш ҳамда хусусий секторнинг иқтисодийдаги салмоғини янада оширишга алоҳида эътибор берилди. Пировардида, йил давомида 2 мингга яқин (дастурда кўзда тутилганидан 1,5 баробар кўп) давлат корхонаси ва объектлари ўз мулк шаклини ўзгартирди. Давлатга қарашли корхоналар объектларининг 1 минг 280 таси тўлиқ хусусий мулкка айлантилди. Мавжуд 240 минг микрофирма, кичик ва ўрта корхоналарнинг 38 мингга яқини ҳам ўтган йил давомида фаолият кўрсата бошлади. Биргина тадбиркорликни ривожлантириш йўли билан 370 минг янги иш ўринлари яратилди. Ялпи ички маҳсулотнинг 73,3, саноат маҳсулотларининг эса 71,4 фоизи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, чакана савдо ва аҳолига пулли хизмат кўрсатишининг деярли ҳаммаси нодавлат сектор ҳиссасига тўғри келди.

Рақамлар сўзлайди

2002 йил иқтисодийётга жалб этилган барча инвестициялар ҳажми 3,8 фоизга ўсиб, 1 триллион 400 миллиард сўмдан ортиди. Шундан 650 миллион АҚШ долларидан ортиғи ёки 20 фоиздан кўпроғи хорижий инвестициялардир.

Иқтисодийёт мутаносиблиги — халқ фаровонлиги гаровидир

- Иқтисодийёт мутаносиблиги нима ва ундан халқ, жамият нима наф қўради?
- Мутаносиблик қандай оқибатларга олиб келиши мумкин?
- Маърузада илгари сурилган стратегик вазифалар ижроси бўйича айрим тақлифлар ва мулоҳазалар.

Иқтисодийётни эркинлаштириш, унинг мутаносиб ва барқарор ривожланишини таъминлаш, пировардида аҳоли фаровонлигини янада оширишга қаратилган стратегик мақсадимиз сари қўяётган қадамларимизга бугун суствалик, бошланган ислохотларнинг ўз мантқий якунига етказилмаётгани салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ислам КАРИМОВ

Вазирилар Маҳкамасининг 2002 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2003 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган мажлисида ҳар биримизнинг ҳаётимизда муайян из қолдирган ўтган йилнинг ютуғи камчилиги, муаммолари ҳақида атрофлича сўз юритилди. Сарҳисоб қилинган йилда ялпи ички маҳсулот — 4,2 фоизга, саноат маҳсулотлари — 8,5 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари — 6,1 фоизга, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш — 11,8 фоизга ўсганлиги ва бошқоқли дон етиштириш бўйича эса — 5 миллион 400 минг тонналик улкан хирмон бунёд этилганлигини эътироф этилса, йилни барқарорликни яқунлаганимиз аён бўлади. Йиғилишда Президентимиз Ислам Каримов: «2002 йил якунлари ва мамлакатимиз иқтисодийётда ўтказилаётган ислохотлар самарадорлигини умумлаштириш эканимиз, қўлга киритилган муқаррар ютуқларимиз билан бир қаторда, шуни таъкидлаш жоизки, иқтисодийётимиздаги ўсиш суръатлари, ҳаётимизнинг барча жабҳаларидаги ўзгаришлар, ҳеч шубҳасиз, бундан ҳам

юқори бўлиши мумкин эди. Бунинг сабаблари кўп, албатта. Бирок энг жиддий сабаблардан бири — ислохотлар тўлиқ эмас, чала-ярим ҳолда амалга оширилаётгани билан боғлиқдир» — деган аччиқ ҳақиқатни куюниб айтди. Ҳақиқатдан ҳам, бу муаммо кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни ҳаётга татбиқ этиш жараёнида орттирилган тажриба асосида айтилган фикрдир. Ўтган йилда янада юқори натижаларга эришишимизга халал берган муаммолар нималардан иборат? Бизнингча, янада юқори кўрсаткичларга эришишга ва ислохотларни самарали ўтказишга тўсқин бўлиб турган муаммоларнинг энг муҳими — миллий иқтисодийётимиздаги баъзи тармоқ ва соҳаларда мутаносибликнинг етарли даражада таъминланмаганлигидир. Чунки, бугунги кун иқтисодийётни бир томондан ғоят мураккаб тизимли ва жўшқин бўлганлиги, иккинчидан эса дунё иқтисодийётда рўй берётган глобаллашув, яхлитлик ва интеграция жараёнининг тезлашуви, ишлаб чиқаришнинг марказлашуви, экологик, демографик ва сиёсий вазиятнинг ўткирлашуви ҳар бир миллий иқтисодийётни мутаносиб ривожланти-

ришни энг долзарб масалага айлантирмоқда. Замонавий иқтисодийётда мутаносиблики таъминлаш иқтисодий ўсиш ва халқ фаровонлигини оширишнинг бош омили сифатида юзага чиқмоқда. Шу сабабли, эришилган ютуқларимизни мустваккамлаш ва ислохотлар ҳозирги босқичнинг олдига қўйилган вазифаларни урдалаш иқтисодийётнинг қай даражада мутаносиб ривожланишига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Чунки, бу муаммо ечими бир томондан иқтисодийётнинг турли бўғинларини бир-бирига мослаштириш ва мувофиқлаштириш ҳолда иқтисодий ларзаларсиз, йўқотишларсиз ривожлантиришни тақозо этса, бошқа томондан, барқарорлаштириш, реал иқтисодий ўсишга ҳамда халқ фаровонлигини оширишнинг моддий негизи бўлиб юзага чиқмоқда. Бундан ташқари, иқтисодийётда мутаносиблик стратегик масала ҳисобланиб, самарадорликни ошириш, мулкий муносабатларни янада тақомиллаштириш ва мулкнинг ҳақиқий эгасига бериш, ишлаб чиқаришни инвестициялаштириш самарали йўллари ни топиш каби муаммоларга бевосита дахлдордир. Ҳўш, иқтисодий мутаносиблик (пропорционаллик) ўзи нима ва биз уни қандай тушунашимиз? «Прогноз» «пропорция» — лотинча сўз бўлиб, нисбат, ўзаро мослик ва мувофиқлик деган маънони англатади. Биз биламики, ҳар қандай ишлаб чиқариш муайян миқдорий нисбатларда ташкил этилади.

2-БЕТ

БОЛАЛАР СПОРТИ

Юртимизнинг ўктам фарзандлари

21-23 февраль кунлари пойтахтимиздаги МХСК спорт мажмуида қаратэ бўйича болалар ва ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан 1500 нафарга яқин ёш қаратэчи татамига чиқди.

— Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча вилоятларида қаратэ федерациялари фаолият кўрсатмоқда, — дейди Ўзбекистон Миллий қаратэ федерацияси президенти Нурхон Нафасов. — Хозирда юртимизда олти минг нафардан ортиқ киши спортнинг шу тури билан шуғулланапти. Қувонарлиси, уларнинг асосий қисми-

ни ёшлар ташкил этади. Мақсадимиз мураккаб Ўзбекистон келажиги — фарзандларимизнинг бўш вақтларини спортга жалб қилиш, жисмонан бақувват ва соғлом бўлиб ўлғайишларига муносиб ҳисса қўлишидир. Спорт билан шуғулланган киши эса зарарли одатлардан йироқ, эҳёни ўткир ва теран фикрлайдиган бўлади.



4-БЕТ



«ЎЗБЕКISTON OVOZSI» GAZETASI TAХRIPIYATI TAЪSIS ETGAN SOVFALAR ЎZ EGALARIGA TOPSHIRILDI



Бизнес Банк
Энг яхши анъаналарда

3-БЕТ

Иқтисодийёт мутаносиблиги — халқ фаровонлиги гаровидир

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Масалан, мамлакатимизда бир йилда 10,0 триллион сўмлик ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилган бўлса, оборотдаги пул массасининг айланши тезлиги мuddати эса 3 ойни ташкил этса, демак, муомала учун мазкур йилда 1/4 нисбатда пул массаси бўлиши талаб этилади. Ёки Асакадаги УдЭУавто заводи «Нексиа» автомашинасини кейинги йилда 1000 (минг) донага қўшимча ишлаб чиқариш бўлса, унга талаб қилинадиган шина 1/4 нисбатда кўпроқ ишлаб чиқарилиши ёки келтирилиши 1/1 нисбатда аккумулятор, 1/2 нисбатда олд ва орқа ойнаси бўлиши талаб қилинади. Агар, биз керакли материалларнинг қайси қисми ўзимизда қачон ва ким томонидан қай микдор ва сифатда ишлаб чиқарилиши ва қайси қисми четдан олиб келинишни олдиндан билмасак — олдимизга

кўйган мақсадимизга эриша олмаимиз. Агар, янада соддароқ қилиб айтганда, инсон танасини маълум бир биологик тизим деб оладиган бўлсак, унда кўплаб нисбатлар бор. Масалан, инсон танаси билан оёғи 1/2 нисбатда, қўл-оёқлари эса 2/2, нисбатда қўл ва бармоқлар 1/5 нисбатда бўлиши кўрамиз, Энди инсондаги барча нисбатларнинг бир-бирига мувофиқ ҳолда, самарали ишлаши — бу мутаносибликдир. Чунки бу инсон — ишчи кучи эгаси, ақлий ва жисмоний қобилиятлар соҳиб-би бўлиб юзага чиқади. Шу сингари иқтисодий мутаносиблик — бу макроиктисодий мувозанат ва барқарорликка эришиш йўлида барча тармоқлар, соҳалар, уюмлар ва ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини мулк шаклидан қатъи назар, бир-бирига мувофиқлаштириш ва мослаштиришдир. Иқтисодий мутаносиблик чекланган ресурслардан самарали фойдаланиш, ортиқча сарф-хара-

жатларга йўл қўймаслик ва узлуksиз ўсиб бораётган эҳтиёжларни тўларақ қондиришнинг энг оқилона йўлидир. Мутаносиблик — ҳаёт фалсафасидир. Чунки, ҳаёт нафақат ўтмишга, ҳозирга, балки келажакка ҳам боғлиқдир. Келажакни билиш ҳозирги жараёнга таъсир этиши имкони беради. Инсон қандай фаолиятга қўл урмасин, у маълум бир мақсад ва натижага эришишни ўйлайди. Ҳозирги шароитда ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнини ҳамда иқтисодий фаолиятни ҳамкорлар билан олдиндан келишимасдан, бутун ишлаб чиқаришни ташкил қилиши мумкин эмас. Масалан, **Американинг БОИНГ корпорацияси** мазкур русумли самолётни ишлаб чиқариш учун 4000 дан ортиқ корхона билан бутловчи жиҳозларни жўнатишга камда 2-3 йил олдин шартнома тузди ёки Америка миллий иқтисодий тизимнинг 70 фоиз кичик ва ўрта бизнес корхоналари ўзлари ишлаб чиқарадиган товарлар-

ни қаерга, кимга ва қандай шартларда сотишни камда 3-5 йил олдин билиши фикримизнинг исботидир. **Ишлаб чиқаришнинг марказлашуви, меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви, яхлитлашуви ва байналминлашуви шароитида мутаносибликни таъминлаш инқирозларнинг олдини олиш ва бозор стихиясини маълум даражада барқарор этиш ва юмшатиш орқали кўплаб иқтисодий йўқотишлар ҳамда талафотларнинг олдини олишга хизмат қилади.** Дарҳақиқат макроиктисодийётда юзлаб, минглаб ва миллионлаб субъектлар фаолият кўрсатади. Улар бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи, сотувчи ва харидор, хизмат кўрсатувчи субъект ва хизматдан фойдаланувчи объект сифатида юзага чиқади. Муаммо шундаки, маълум бир вақт ораллиги-

Мамлакатимизда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда, қўшма корхоналар ташкил этишда етакчи ўринлардан бирини эгаллаётган, Косонсой туманида фаолият юритаётган «Косонсой текстил» қўшма ҳиссасдорлик корхонасида бугун ички бозорни халқ истеъмол моллари билан таъминлаш юзасидан ибратли ишлар олиб борилмоқда.

Ҳозирги кунда корхона муҳандис-техник ходимлари экспортга маҳсулот чиқариш йўлида бир қатор ишларни амалга

оширмоқдалар. Жумладан, янги замонавий бўяш дастгоҳи келтирилиб ўрнатилиши ҳисобига янги ўн турдаги момик сочиқ маҳсулотлари ишлаб чиқарила бошланди.

Корхонада мавжуд имкониятлардан фойдаланиб маҳсулот турларини кўпайтириш, янги иш ўринлари очиб юзасидан қатор режалар белгиланган.

Суратларда: ишчи Р.Азимбоева; тўқувчилар Раёно Қосимова ва Райхона Вохидова-лар иш устида



Шавкат АҚРАМОВ олган суратлар

● ХДП ХАБАРИ

Мақсад — фаолликни ошириш

2003 йил 24 февраль куни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибиятининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда партия ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилди. Ушбу масала юзасидан қабул қилинган ҳужжатда ХДПнинг вилоят, туман ва шаҳар ташкилотлари фаоллиги ва ташаббускорлигини ошириш, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари ишини жонлантириш, депутатлик қабулхоналари фаолиятини самарали ташкил этиш, аҳолининг сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган оммавий-сиёсий тадбирларни ўтказишга эътиборни қўйиштириш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Маҳалла боғлари

Тошлоқ туманидаги барча маҳаллаларда корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, фермер ва тадбиркорлардан иборат маҳалла кенгашлари тузилди. Кенгаш маҳалла ободончилиги, аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламларини кўплаб-қувватлаш мақсадида маблағ фонди ташкил этилиши ва сарфлайди. Тумандаги «Заркент» маҳалласи кенгаши ташаббуси билан ҳар бир маҳалла учун 1 гектардан ер ажратилди. Бу ерларда аҳоли ўз кучлари билан маҳалла боғини яратадилар.

Ҳозирда бу боғларда ер тайёрлаш ва кўчат экиш қизгин бормоқда.

Алишер ИБОДИНОВ

Жиззахда фаввора борми?

— Бўлади, — дейди Жиззах шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Кенжа Жўраев. — «Обод маҳалла йили»-да шаҳарда замонавий талабар асосида иккита фаввора барпо этишни режалаштирганмиз. Айни пайтда шаҳар марказидаги Мустақиллик майдониди ва «Ором» бекатида бунёд этилаётган фавворалар қурилиши жадал давом эттирилмоқда. Фавворалар ҳовузининг узунлиги 42 метрни, эни 6 метрни ташкил этади ва улар сувни қарийб ўн метргача баландликка пулкаб бериш қувватига эга бўлади. Хар иккала фавворани Наврўз айёми кунлари ишга туширишни мўлжаллаб турибмиз. Уйлаймизки, улар шахримиз ҳуснига хусн қўшади, ҳамшаҳарларимиз қалбига завқ-шавқ, ҳузур-ҳаловат баҳиша этади.

Иброҳим ЖОНУСОВ

Маҳалла мулкига айланди

Умрининг катта қисмини ёш авлод тарбияси, халқ таълими равнақига бағишлаган Бухоро туманидаги Галаосиё шаҳрида яшовчи кекса муаллим Амон Зарипов «Обод маҳалла йили»-да мактаса арзиғулик савобли ишга қўл урди. Отaxon бир неча йиллар давомида шакллантирган шахсий кутубхонасини Назрулло Ашуров номи маҳалла ихтиёрига берди. Энди маҳалланинг Хол Муродов кўчасидаги 58-ўйда жойлашган мазкур кутубхонадан қарийб 5 мингга яқин китобхон баҳраманд бўлмоқда.

— Амонжоннинг бу хайрли иши оз бўлса-да, Обод маҳалла дастурида кўзланган юмушларни адо этишимизга мадад бўлади, — дейди маҳалла оқсоқоли Ҳасиб Асадов. — Чунки, шахримизда китоб дўкони йўқ. Маҳаллага берилган шахсий кутубхона эса бу кемтикликни тўлдирди. Зеро, ўн бир мингга китоб фондига эга бўлган бу зияхона мактаб, коллежлар ўқувчилари учун ҳам асқотади-да.

Даврон БАХРОНОВ

● ДОЛЗАРБ МАВЗУ

«Хазина» жар

УЗУН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ ВА «ЎЗБАЛИК» АКЦИЯДОРЛИК

Термизий», «Азизбобо» ва «Абухўрайро» балиқчилик фермер ҳўжаликлари ташкил топди. «Ал Ҳаким ат-Термизий» оилавий фермер ҳўжалигининг ер майдони 30,04 гектар бўлиб, балиқ боқиш учун 28 гектар сув хавзаси ажратилди. «Азизбобо» да эса 49,48 гектар ернинг 44 гектари балиқ боқишга, 3 гектарлик қўлда чавоқчалар ўстирилиши мўлжалланди. «Абухўрайро» раб ривожланиб кетди? Йўқ. Аксинча, бир пайтлар 250-300 тоннагача балиқ етиштирилган бу қўлларда бугун атиги 20-30 тоннагина балиқ овланмоқда. — Утган йили 3,5 тоннадан ортиқ балиқ сотдик — дейди Ал Ҳаким ат-Термизий номи балиқчилик фермер ҳўжалиги раҳбари Рузйоб Мусурмонов. — Режа 30 фоиз ҳам бажарилмади. Баҳорда дарё тўғонини сел



фермер ҳўжалигидаги 43,61 гектар ернинг 37,5 гектари қўл, 2,5 гектари чавоқчалар хавзаси деб белгиланди. Орадан бир мuddат ўтиб, 2000 йилнинг 13 мартида Узун туман ҳокимининг «Шералибобо» балиқчилик ҳўжалигини ташкил этиш тўғрисидаги 129-сонли қарори чиқди. Унинг тасарруфига 20 гектар ер майдони ажратилди ва ҳўжалик балиқ боқишга ихтисослаштирилди. Унга кўра Узун балиқчилик ҳўжалиги ўрнида «Ал Ҳаким ат-

да миллий иқтисодийётдаги барча субъектларнинг фаолиятининг пировард натижасини ўзида акс эттирган бозорлар (истеъмол, хизмат, ресурс, фонд)даги талаб ва тақлиф чуқур ўрганилиши керак. Бу бозорлардаги талаб ва тақлиф барча бозор иштирокчилари мўлжал оладиган «маёқ» бўлиб хизмат қилмоғи лозим. Бозорларда қайси товар ёки хизматга талаб кўп бўлса, ўшалар ишлаб чиқарилиши, талаб билан таъминланмаган товарлар ва хизматларини ишлаб чиқариш тўхтатилиши лозим. Иқтисодий мутаносибликнинг бузилиши асосан эҳтиёжларнинг тўлиқ қондирилмаслигида, ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланилмағлиги ва инфляциянинг мейвандан юқори бўлишида акс этади. Кўриниб турибдики, мазкур муаммо назарий, амалий жиҳатдан гоят долзарб ва шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбарининг доимий диққат марказида турган масалалар.

Президентимиз **Ислом Каримов пахтачилик комплекси, ипакчилик, енгил саноат ва автомобилсозлик саноатида мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари билан амалда улардан фойдаланиш ўртасида жиҳдий номуаносиблик борлиги тўғрисида 2001 йил 11 ян-**

варда Идоралараро мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлисида, шунингдек Вазирилар Мақмакасининг 2002 йил якунларига бағишланган йилгиликда ҳам тўхталган ўтган эди. Дарҳақиқат, умумий макроиктисодий барқарорликка эришган бир вақтда иқтисодийётимизнинг айрим тармоқларида мутаносибликнинг етарли даражада таъминланмағлиги ва бу ҳолатнинг исолохотларни ўтказишдаги баъзи пала-партишликка олиб келиши ҳоллари кузатилмақда. Фактларга мурожаат қилсак. Масалан, **1999-2001 йиллар давомида «Ўзбекисанот» уюшмасида трикотаж, гилем ва пайпоқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича мавжуд қувватлар билан амалда фойдаланилган қувватлар ўртасидаги нисбатнинг бузилиши оқибатида мазкур маҳсулотларга бўлган эҳтиёж тўлиқ қондирилмади.** Мазкур уюшмада **1999-2001 йилларда пайпоқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича мавжуд қувватлардан фойдаланиш ўртача 26,4 фоизни, трикотаж ишлаб чиқариш бўйича ўртача 45,7 фоизни ва гилем маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ўртача 58,6 фоизни ташкил этган.** Натижада **1999-2001 йилларда 144,4 млн. кв. метр трикотаж, 17,4 млн. дона пайпоқ ва 3,6 млн. кв. метр гилем маҳсулотлари ишлаб чиқарилмади.**

Айни вақтда, халқимизнинг ушбу маҳсулотларга бўлган эҳтиёжлари айрим хорижий мамлакатларда ишлаб чиқарилган ва сифат сертификатга эга бўлмаган, контрабанда йўли билан олиб кирилган сифатсиз моллар билан «қондирилган». Ваҳоланки, истеъмол бозоримизда юқорида кўрсатилган маҳсулотларга талаб ҳам, бу маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар ва керакли хомашё ҳам ўзимизда етарли. Савол туғилади. Нега мазкур маҳсулотларга бўлган эҳтиёжнинг қондириш учун ҳамма шарт-шароит ўзимизда мавжуд бўлган бир вақтда пайпоқ маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг **73,6 фоизи, трикотаж молларининг 54,3 фоизи ва гилем моллари бўйича 41,4 фоиз эҳтиёж чет элда ишлаб чиқарилган маҳсулот хисобидан қондирилиши керак.** Ахир, бу соғлом иқтисодий мантиққа мувофиқ зид-ку. Бу борада, шунингдек, «**Ўзэлтехсаноат» уюшмасида лифт ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш 1999-2001 йиллар давомида 9,7 фоиздан — 8,8 фоизга «Ўзкимёсанот» уюшмасида олтингурутгир склотасини ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш — 27,3 фоиздан — 9,3 фоизга пасайганлигини қайд этиш жоиз.** Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Иқтисодийёт мутаносиблиги барча тармоқлар, жумладан, қишлоқ ҳўжалиги, саноат, қурилиш ва хизмат кўрсатиш соҳаларига ҳам дахлдор. Чунки, қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқариши саноатга, саноат эса қурилиш тармоғига мўнанд, ўзаро уйғунликда ривожлантирилиши керак. Юқорида таъкидланган тармоқларнинг бирортасида бузилиган мутаносиблик бошқа тармоқ ишлаб чиқаришига ҳам салбий таъсир этади ва охири-оқибат номуаносибликни келтириб чиқаради. Бир тармоқда вужудга келган номуаносиблик биринчи ҳолда ўзига турдош корхоналар ва тармоқлар фаолиятини издан чиқаради. Энди биринга шу салбий ҳолатнинг ўзи ислохотларни ўтказишда қандай ижтимоий-иқтисодий муаммоларни келтириб чиқаришини тасаввур қилиб қўрайлик. Маълумки, бозор иқтисодийётида ҳал этилувчи куч — маблағ билан таъминланган эҳтиёж, яъни талаб ҳисобланади. Маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган замонавий тадбиркор бозорда намоён бўлган талабни чуқур ўрганиб, ўз фаолиятини унга мос равишда ташкил этади ва унга бозордаги конъюктурга қараб тегишли ўзгартиришларни киритиб боради.

Бозор иқтисодиёти эса «олма пиш оғзимга туш» деб ўтирганларни эмас, кўпроқ олиб-югурганларни, жавобгарликни ўзига ола билган иزلанувчан ва ташаббускор одамларни тақозо этади ҳамда уларнинг ҳар бирини қобилиятига яраша тегишли фойда улушлари билан тақдирлайди. Замонавий иқтисодиёт гоят шиддатли ва шитоб билан ривожланиб бораётганлиги туфайли ўзининг янги бир ҳусусиятини, яъни ишлаб чиқаришни, истеъмолни, хизмат кўрсатиш билан боғлиқ барча жараёнларни олдиндан режалаштириш, дастурлаш ва ўзаро мувофиқлаштириш зарурлигини кун тартибига қўймоқда. Бу ҳолат замонавий иқтисодиётда қонуниятга айланган янги жиҳатдир. Чунки, бу жараён негизда меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви, фан-техника тараққиёти ва интеграция жараёнларининг тезлашуви ётибди. Назаримизда, бизнинг энг катта муаммоларимиздан бири кўплаб корхона раҳбарлари ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотга бозордаги талаб ва тақлифни, конъюктурани чуқур билмаслиги, маркетинг дастурини ишлаб чиқмағлиги ва энг муҳими ханузгача юқоридан «заказ», буйруқ, кўрсатма кутиб ўтиришидир. Бундай ҳолат иқтисодиётимиз учун турган

биттани зарардир. Зеро, бу: **биринчидан**, муомаладаги пулнинг бир қисми бу товарларнинг сотиб олиш учун бошқа ҳудудларга оқиб чиқиб кетишига ва ишлаб чиқаришнинг кўпроқ «омбор» учун хизмат қилишига; **иккинчидан**, корхоналардаги ишлаб чиқариш қувватларининг бўш туриши асосий фондларнинг жисмоний ва маънавий эскиришига, улардан фойдаланиш даражасининг пасайишига ва натижада корхона молиявий аҳолининг ёмонлашуви; **учинчидан**, корхонадаги ишчилардан маълум қисмининг ишсиз қолиши ва жамиятда ижтимоий муаммоларнинг кўпайишига; **тўртинчидан**, сифатсиз молларни харид қилишга мажбур бўлган истеъмолчилар чўнтагининг икки қарра зарар қуришига; **бешинчидан**, энг муҳими, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси паст корхоналар фаолиятини билан яқиндан боғланган турдош ва ҳамкор корхоналарда ҳам тўлақонли ишлаб чиқариш циклининг бузилишига олиб келади. Ҳўш, бу муаммоларни ҳал этиш учун нима қилиш керак? Бизнингча қуйидаги тадбирларни амалга ошириш зарур:

1. Иқтисодийётнинг барча тармоқ ва соҳаларидаги нисбатларни, айниқса қишлоқ ҳўжалиги, саноатнинг енгил ва тўқиначилик, қайта ишлаш тармоқларидидаги асосий фондларни янгилаш, тарим нисбатларини қайта кўриб чиқиш ва замонавий бозор иқтисодиёти талаб-ларини асосида қайта тузиш лозим;

2. Ташки савдо таркибидидаги экспортбоп маҳсулотлар турини кўпайтириш, унда ҳам ашё улушини камайитириш, тайёр маҳсулот ҳиссасини мева-сабзавот, узумчилик, боғдорчилик маҳсулотлари эвазига оширишни давлат сиёсати даражасига олиб чиқиш;

3. Миллий иқтисодийётнинг таркибий ўзгаришлари билан нисбатларини ўзгартириш жараёнини уйғунликда ҳамоханг олиб бориш;

4. Ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларини ички режалаштириш, дастурлаш, маркетинг ва менежмент билимлари билан курулантириш ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш, уларга бўлажак ўзгаришларини ўзида мўжассам этган истиқболли тавсиялар беришни мунтазам жараёнга айлантириш;

5. Миллий иқтисодиёт даражасида асосий фондларнинг эроқчилиги ва янгиланганлиги бўйича инвентаризация ўтказиш ва унинг негизда корхоналар ва тармоқларнинг асосий фондларини янгилаш бўйича узоқ мuddатда мўлжалланган Давлат дастурини қабул қилиш ва унинг бар-

жарилишини кучли назорат қилиш каби тадбирларни амалга ошириш лозим;

6. Иқтисодиёт вазириликда халқ ҳўжалигидаги мавжуд нисбатлар ҳолатини узлуksиз ўрганиб борувчи, оқилона нисбатлар ва мутаносибликни таъминлаш бўйича мониторинг марказини ташкил этиш;

7. Ҳуқуқий-қонунийлик ислохотларини иқтисодий, ижтимоий ислохотлар билан уйғунлаштирган ҳолда ҳамоханг олиб бориш;

8. Иқтисодиётни барқарор ва мутаносиб ривожлантириш бўйича мувозанатлаштириш қонунини қабул қилиш ва бу қонуннинг реализациясини таъминловчи 20-30 йилга мўлжалланган Давлат дастурини ишлаб чиқиш каби тадбирларни амалга ошириш, барқарор ривожланувчи мустахкам иқтисодиётнинг пойдевори бўлиб хизмат қилиши аниқ. Иқтисодиёт мутаносиблигини таъминлаш жараёнини бир маъсул шахснинг оғли фаолиятига айланиши, унинг натижалари эса халқимиз турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилишини билишимиз ҳам қарз, ҳам фароз.

Одил ҲАМРОЕВ, иқтисод фанлари номзоди, докторант.

**ЎТГАН ҲАФТА:
ВОҚЕА, ТАҲЛИЛ, ШАРҲ**

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ёки хусусий тармоқда яратилган маҳсулотларнинг 35 фоизи ялпи ички маҳсулот таркибини ташкил этди. «Буларнинг барчаси, — деди Президент, — тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, корхоналарнинг иқтисодий эркинлигини кенгайтиришга қаратилган туб ўзгаришларнинг амалга оширилиши билан бевосита боғлиқ».

Мажлисда айтилган пайтда иқтисодиёт тармоқларида ва ижтимоий соҳадаги ислохотлар йўлига тўсиқ бўлиб турган муаммолар таҳлил этилди. Мамлакатимиз раҳбари хусусийлаштириш жараёнлари кўп ҳолларда шунчаки расмийлик учунгина ўтказилаётгани, бозор шароитларига мослашмаётганини корхоналарни, капитал қурилиш ва коммунал хизмат тизимлари, қишлоқ хўжалиги тармоқларидаги суғартириш, ер, сув, газ ҳамда энергетика ресурсларидан фойдаланиш борасида хўжасизлик ҳолларига йўл қўйлаётганини аниқ мисоллар асосида кўрсатиб ўтди. Хусусан, «Ўзбекисаннат», «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси, «Махсусқотишмаси» республика бирлашмаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзамшаннат» ва «Ўзқ-овқатсаннат» уюшмалари сингари қатор тармоқларнинг корхоналарида катта ҳажмдаги маҳсулотлар омборларда ҳаракатсиз ётгани, хомашё, материал ҳамда айланма маблаглар худда-бехудда сарфланаётгани, натижада ўтган йилни 128 та корхона катта миқдордаги зарар билан яқунлашти таассуф билан қайд этилди.

Холбуки, узққ муддатли ва яқин келажакка мўлжалланган

ган стратегик дастурда мазкур тармоқларнинг мавжуд имкониятлари ҳамда ишлаб чиқариш салоҳияти тўла ҳисобга олинган эди. Бироқ, иқтисодиётда жорий этилаётган ислохотларга, ҳаёт тақозо этаётган ўзгариш ва талабларга амал қилинмаётгани ҳамда одамларнинг ҳамон ўз умрини

рўй-рост очиб ташланди. Уй-жой мулкдорлари ширкатларини тузиш ва улар фаолиятини ташкил этиш ишлари ҳам талаб даражасида эмаслиги, биргина бамисли хизматлар учун тўланмаган қарзлар миқдори бугун республика бўйича 4 миллиард 600 миллион сўмга етганлиги мамлакат иқтисодиётига нечоғли зиён эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, «Юртбошимиз» маърузасида ички истеъмол бозорини озиқ-овқат ва нооziқ-овқат товарлар билан тўлдириб боради деганига кел-

қарамай, мажлисда унинг бугунги кундаги вазифалари қатъий белгилаб берилди. **Биринчидан**, корхоналарга кўпроқ эркинлик бериш ва хусусий сектор ривожига шароит яратиш мақсадида хусусийлаштирилган корхоналарнинг низоом жамғармасида давлат улушини қисқартириш (стратегик аҳамиятга мولлик корхоналар бундан мустасно ҳолда) кўзда тутилиб, давлат улуши асосан фонд бозорига хусусий мулк сифатида сотилиши кераклиги шарт қилиб қўйилди. **Иккинчидан**, концерн, уюшма ва

қўйилган талаблар ва қоидалардан келиб чиқувчи вазифалар, албатта.

Мажлисда, иқтисодиётимизда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг яна бир **стратегик вазифаси** белгилаб берилди: у — ишлаб чиқаришни доимий равишда модернизациялаш ва технологик жиҳатдан мунтазам янгилаб боришдир. Чунки бугун ишга туширилган ўта замонавий технология ҳам 5-7 йил ўтиб ўрнини янада илгор технологияларга бўшашиб бериши мукаррарлиги сир эмас. Бунинг учун йирик трансмиллий компанияларни профессионал кадрлар билан таъминлаш тизимини яратиш, олий маълумотли мутахассисларимиз юқори малакали ишчилар билан ёнма-ён меҳнат қилишлари, тенгма-тенг тер тўкишларига тўғри келади. Уларни тайёрлаш учун эса талаб қилинадиган қатор йиллар муддатидан чўчмасдан, аксинча, уларнинг меҳнати ва интилишини рағбатлантиришда энг самарали тизимлардан — Президентимиз таъбири билан айтганда, «**лавозим учун эмас, балки малака учун**» ҳақ тўлаш тартибини ўрнатиш керак бўлади. Қолаверса, бундай кадрларни ҳар томонлама рағбатлантириб, уларнинг тоифа ва малакаси даражаларини белгилаш, шунингдек, иш стажига қараб ҳам қўшимча ҳақ тўлаш тизимини яратиш борасидаги тақлифлар шўбҳасиз, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

Номоз САЪДУЛЛАЕВ

Сарҳисоб, стратегия ва салоҳият

яшаб бўлган эски маъмурий-буйруқбозлик тизимидан воз кеча олмаётганини жуда қийин вазиятга қўлиб кетмоқда. Меҳнат ва ишлаб чиқаришга бўлган муносабат одамлар онгида шаклан ўзгаргани билан мазмун ва моҳиятига кўра эскича тарзда намойён бўлмоқда. Бу ҳол айниқса, собиқ жамоа хўжалиқлар ўрнида пайчилик асосига қўрилган янги ширкат хўжалиқлари фаолиятида яққол кўринмоқда. Уларда деярли расмийлик учунгина жорий этилаётган шартнома тузиш тизими ва зиммага олинган мажбуриятларнинг ижроси назорати — эскича қоллида қолётганини гоят ташвишли, албатта.

Мажлисда капитал қурилишдаги ислохотларни чуқурлаштириш, уй-жой, коммунал хўжалиги тизимлари фаолиятини қайта ташкил этиш, аҳолининг ичимлик сув, газ ва иссиқликка бўлган эҳтиёжи таъминотидаги суръатларини жадаллаштириш масалаларида ўз бераётган суғартириш ҳоли

ган аҳвол бизни қониқтирмаслигига алоҳида эътибор қаратилди ва буларнинг сабаблари «ислохотлар тўлиқ эмас, чала-ярим ҳолда амалга оширилаётгани билан боғлиқлиги ўқтирилди. «Иқтисодиётни эркинлаштириш, — деди Президент, — унинг муносив ва барқарор ривожланиши таъминлаш, пировардига, аҳоли фаровонлигини янада оширишга қаратилган стратегик мақсадимиз сари қўётган қадамларимизга бугун суғартириш, бошланган ислохотларни ўз манъий яқинида етказилаётгани салбий таъсир кўрсатмоқда».

Шу боиски, маърузачи ва сўзга чиққан нотикларнинг сўзларида ислохотларни номига, чала-ярим ўтказмасдан, биринчи гада мамлакат иқтисодиётида хусусий секторнинг аҳамияти ва ролини кўнатиришга катта эътибор бериш лозимлиги бот-бот тилга олинди. Бу йўналишда илгари махсус фармон қабул қилинганга

холдинг компанияларининг эндиликда худди аввалги вазирликлар каби иш юритишларида чек қўйилиб, уларнинг корхоналарнинг молиявий-хўжалиқ фаолиятига ноқонуний аралашуварига йўл берилмаслиги кўрсатиб ўтилди. Ва ниҳоят, **унинчидан**, бундан буюн акциядорлик жамиятларига айланган корхоналарни бошқаришда акциядорларнинг роли кучайиб бормоқда. Масалан, акциядорлик жамиятлари директорларининг «тақдирини» уларнинг йиллик ҳисоботида кўра акциядорлар йўналиши ҳулосасига боғлиқ бўлади. Буларнинг ҳаммаси юқорида зикр этилган махсус фармонда

қўйилган талаблар ва қоидалардан келиб чиқувчи вазифалар, албатта.

Мажлисда, иқтисодиётимизда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг яна бир **стратегик вазифаси** белгилаб берилди: у — ишлаб чиқаришни доимий равишда модернизациялаш ва технологик жиҳатдан мунтазам янгилаб боришдир. Чунки бугун ишга туширилган ўта замонавий технология ҳам 5-7 йил ўтиб ўрнини янада илгор технологияларга бўшашиб бериши мукаррарлиги сир эмас. Бунинг учун йирик трансмиллий компанияларни профессионал кадрлар билан таъминлаш тизимини яратиш, олий маълумотли мутахассисларимиз юқори малакали ишчилар билан ёнма-ён меҳнат қилишлари, тенгма-тенг тер тўкишларига тўғри келади. Уларни тайёрлаш учун эса талаб қилинадиган қатор йиллар муддатидан чўчмасдан, аксинча, уларнинг меҳнати ва интилишини рағбатлантиришда энг самарали тизимлардан — Президентимиз таъбири билан айтганда, «**лавозим учун эмас, балки малака учун**» ҳақ тўлаш тартибини ўрнатиш керак бўлади. Қолаверса, бундай кадрларни ҳар томонлама рағбатлантириб, уларнинг тоифа ва малакаси даражаларини белгилаш, шунингдек, иш стажига қараб ҳам қўшимча ҳақ тўлаш тизимини яратиш борасидаги тақлифлар шўбҳасиз, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

Номоз САЪДУЛЛАЕВ

25 ФЕВРАЛЬ — ҚУВАЙТ ДАВЛАТИНИНГ ИСТИҚЛОЛ ВА ОЗОДЛИК КУНИ

Қувайт аҳоли сони ва худудий жиҳатдан нисбатан кичик давлат. Аҳолиси тахминан 2 миллион 240 минг киши атрофида. Шунинг атиги 35 фоизи туб аҳоли; яъни қувайтликлар ҳисобланади. Қолганлари хорижликлар бўлиб, улар мамлакатнинг асосий ишчи кучини ташкил этади. Айниқса, хусусий секторда хорижликлар кўп. Улар қарий бир миллион кишидан ошади. Мўҳожирлар асосан Миср, Ҳиндистон, Шри-Ланка, Бангладеш, Покистон, Сурия, Эрон ва Филиппиндан келишган. Мураккаб

белгиланган. Жума куни ва байрам кунлари ишлаганларга қўшимча ҳақ тўланади. Ҳар йили 14 кун таътил берилади. Ишлайдиган ҳомиладор аёллар 42 кун ҳақ тўланадиган таътилда бўлади. Шифохонадан бошқа жойларда аёлларга тунда ишлашларига рухсат этилмайди.

Ал-Қувайт шаҳри — мамлакат пойтахти. Саҳрода жойлашган замонавий шаҳар. Йирик банклар, савдо марказлари, меҳмонхоналар, кўккам маъмурий ва турар-жой бинолари шаҳар чиройига чирой қўшиб

ятларимиз катта. Қувайтга ўзбек журналистлари келганлигидан жуда мамнунман».

Бу мамлакатда илм-фанни, маданиятни, маорифни, санъатни ва матбуотни ривожлантиришга катта аҳамият бериляпти. Биз турли учрашув ва тадбирларда қатнашиб, телевидение ва газетлар фаолияти билан танишиб, санъат, маданият ва таълим соҳасидаги ибратли ишларни кўриб, бунга ишонч ҳосил қилдик. Марказий газеталар араб ва инглиз тилларида чоп этилмоқда, тўртта телеканал узлуксиз ишлаб турибди. Телеэкранда бадий жамоаларнинг чиқишларини, шеъронлиқни, ватанпарварлик руҳидаги кўрсатувларни мириқиб томоша қилишди. Айниқса, болалар бадий жамоаларининг чиройли чиқишлари дилни хушнуд этади. Эркаклар рақси кўп берилар экан. Ҳатто давлат раҳбарлари ҳам шундай рақсни томоша қилаётганликларини кўрдик. Қувайтликларнинг шеърятга ўчилиги ҳар қандай кишини ҳайратда қолдиради. Биз бир мушоиранинг гувоҳи бўлдик. Шеъронлик авжга чиққанда одамларнинг ҳис-ҳаяжонларини кўриб, улар нафақат ихлосандлар, балки шеърятнинг ҳақиқий фидойилари эканлигига ишонч ҳосил қилдик.

Шўбҳасиз, қувайтликлар учун озодликдан улғу нарса йўқ. Улар ўзларининг озод ва обод, кичик, аммо бой ватанлари билан фархланишди. Тўқсонинчи йиллар бошида бу юртга Ироқ бостириб кирганида уларнинг қалблари жараҳатланган эди. Душман қувиб чиқарилганидан кейин қувайтликлар озодликни байрам қиладиган бўлишди. Шундай қилиб, бу йил 25 февраль кунини мамлакатда Истиқлолнинг 42 йиллиги ҳамда Ватан озодлигининг 12 йиллиги кенг нишонланади.

Ўзбекистон Республикаси билан Қувайт Давлати ўртасида дўстона муносабатлар ўрнатилган. Бу муносабатлар йилдан-йилга кенгайиб, мустақамланиб борапти. Қувайт Давлати амира Жобир ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ яқинда бўлиб ўтган Ийд ал-Аҳдо байрами муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга йўлаган табриқда икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг истиқболига ўрғу бериб шундай дейди: «Дўстона муносабатларимизни эътироф этган ҳолда, Сизни бундан кейин ҳам ўзаро ҳамкорлигимизни мустақамлаш ва ривожлантириш ниятида эканимизга ишонтираман».

Иброҳим НОРМАТОВ,
«Туркистон-пресс»

Саҳродаги «шоҳи сўзана»

технологик жараёнлар билан боғлиқ ишлаб чиқариш тармоқларида европалар ва америкалик мутахассислар ҳам бор.

Нефть саноати мамлакатда ишлаб чиқаришнинг етакчи тармоғи ҳисобланади ва даромад асосан шу соҳадан олинади. Аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш ва даромад олишда Қувайт дунёда олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. Бир сўз билан айтганда, Қувайт жаҳонда энг бой давлатлар сафида туради. Нефть тармоғидаги йирик корпорациялар ва компаниялар фаолияти, қайта ишлаш саноати, транспорт, алоқа, энергетика давлат назоратида.

Хизмат соҳалари асосан хусусий секторга қарайди. Арзон ишчи кучи шу секторда. Шунингдек, ишлаб чиқариш тармоқлари ҳамда хизмат соҳалари аралаш сектор ҳам бор.

Мамлакатнинг нефть саноатидан бошқа тармоқларида 3,5 мингтадан ортқ ўрта ва кичик корхоналар ишлаб турибди. Уларда қора ва рангли металллар қайта ишланади, металл конструкциялар, цемент ва бошқа қурилиш материаллари, қоғоз, пластмасса, мебель, электр техника ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Эътиборлиси шундаки, бу корхоналарнинг ҳар бирида ўртача 25-40 киши ишлайди. Мамлакатда ҳафтасига олти иш кунини

турибди. Амирнинг саройи, Озодлик минораси, Парламент биноси, турли мовий гумбазлар, маҷитлар миллий манзара касб этиб турибди. Оёқларидаги энцибирини парчадан кўкка парвоз қилишга шайланган қуш эса Ватан озодлигининг тими соли. Бу тими солини ҳар қадамда учратасиз. Шаҳарда одамга қараганда энгил автомашина кўлга ўхшайди. Пиёдалар кам кўзга ташланади, бироқ ранг-баранг замонавий автомашиналар оқими кўзни қамаштиради. Мамлакатнинг ҳар бир туб аҳолисига бир нечтадан энгил автомашина тўғри келаркан.

Қувайт давлатини амир Жобир ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ бошқаради. Бироқ ҳамма жойда — газеталар саҳифаларида, телеэкранларда, кўча ва хиёбонларда, бинолар пештоқида, турли тадбирлар ва маросимлар ўтказилмайдиган жойларда Қувайт Давлати бош вазири ва валиаҳди Саад ал-Абдуллоҳ ал-Салим ас-Сабоҳнинг сурати амир сурати билан ёнма-ён турганлигини кўраемиз. Бу мамлакатни бошқаришда бош вазирнинг иштироки муҳимлигини кўрсатиб турибди. Биз Қувайтда бўлганимизда амирликнинг Аҳборот вазири, Осиё Олимпика кўмитаси раиси шайх Аҳмад ал-Фаҳд ал-Сабоҳ билан суҳбатлашдик ва суратга тушдик. У Ўзбекистон ҳақида шундай деди: «Мен сизнинг юртингизни яхши биламан. Айниқса, Ўзбекистонда спорт ривожланиб бораётганлигидан хурсандман. Ишончим комил, ҳали сизлар спортда янада юқоқ қўққиларини забт этасизлар. Шунингдек, ахборотлар алмашиш масаласида ҳам имкони

Масала муҳокамаси қолдирилди

БМТ Хавфсизлик Кенгаши Шимолий Кореянинг ядро дастури бўйича олиб бораётган фаолиятига қарши иқтисодий жарима қўллаш масаласини муҳокама этишни кейинга қолдирди. Яъни Ироқ муаммоси бир ёкли бўлмагунча бу масалани кун тартибидан олиб туришга қарор қилинди.

Хавфсизлик Кенгашига раислик қилувчи Германия элчиси Гюнтер Плегернинг айтишича, Шимолий Корея масаласи жуда мураккаб бўлганлиги боис уни чуқурроқ ўрганиш учун экспертларга ҳавола этилди.

Бу ҳақда Reuters агентлиги хабар тарқатди.

Озиқ-овқат гамлаш бошланди

Ироқ ҳукумати уруш эҳтимоли борлиги муносабати билан ўз аҳолисига қарточка бўйича қўшимча озиқ-овқат маҳсулотлари ва электр генераторлар тарқатишни бошлади. Бундан ташқари артезиан қудуқлар қавланмоқда. Бу ҳақда мамлакат савдо вазири Мухаммад Маҳди Солиҳ Бағдодада ўтказилган матбуот анжуманида журналистларга хабар берди.

Унинг айтишича, озиқ-овқатлар 6 ойга етадиган даражада берилмоқда.

Эслатиб ўтамиз: Ироқда озиқ-овқат учун шахсий қарточка 1991 йилги урушдан сўнг жорий этилган. Унга кўра, ҳар бири киши бир ойда 9 кг. ун, 3 кг. гуруч, 2 кг. шакар, 1 кг. ловия ёки нўхот, 1,25 литр ўсимлик ёғи, бир оз чой ва қуруқ сут ҳамда кир ювиш воситаси олишга ҳақли. Шунча маҳсулотнинг 8 кишилик оилага мўлжалланган йиғиндисининг нархи бир еврога тенг.

Иқтисодий қамал даврида Ироқ озиқ-овқат қарточкаси тизимини қўллаб аҳолисини очликдан сақлаб қолди. Агар шундай қилинмаса, 40 фоиз аҳоли очлик қирғини тақдир қилиб турган гап эди, дейишмоқда экспертлар.

1991 йилги «Саҳродаги бўрон» операцияси даврида Ироқнинг жуда кўп электр станциялари ишдан чиққан эди. Ушундан мамлакат бир неча ой электр энергиясиз ва сувсиз қолганди. Эндиликда агар уруш бошланса, яна ўша қийинчиликлар тақдирланмаслиги учун қўллаб артезиан қудуқлар қазилмоқда ва электр генераторлар тарқатилмоқда, дейилади «Новости» ахборотида.



ёқасида

КОМПАНИЯСИ МУТАССАДИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Бу ҳам ҳовла... Ўтган йили «Абдухурайро»да атиги 6 тоннагина балиқ етиштирилган бўлса, «Шералибобо» хўжалигидан умуман маҳсулот олинмади. Вилоят ҳокимининг топшириғига биноан 2000 йил октябр ойида мазкур хўжалиқларнинг фаолияти ўрганилганда кўплаб камчиликлар юзага чиқди. Масалан, ўша текшириш далолатномасида қуйидагилар баён этилди: «**Азизбобо**» балиқчилик фермер хўжалиги Низомида деҳқончилик билан шугулланиш кўрсатилмагани ҳолда, фермер хўжалигининг сув ҳавзаларида маккажўхори, шоли экинлари экилган. Ноқонуний экинлар бухгалтерия ҳисоботларида қайд этилмаган...»

Ҳақимова раис этиб сайланди. Уюшма давлат рўйхатидан ўтказилиб, Низоми тасдиқланди. Афсуски, кўп ўтмай у ҳам сувга тушган тошдек чўқидикети...


— Бугунга келиб, қорнимга эмас, қадримга йиғиламан, — дейди Шоира Ҳақимова афсус билан. — Астраҳандаги балиқчилик институтини тугатиб, бу ерга ишга келдим. Келажакда уюшмани кенгайтириб, бирлашма ташкил этишни мақсад қилгандим. Сурхон воҳасининг Сангардак дарёсида учрайдиган камёб форел балигини кўпайтириш, бунинг учун хориждан инкубация олиб келишни ҳам режалаб юргандим...

Бироқ, раҳбарнинг орзулари саробга айланди. Уқимишли, ишибилармон мутахассис аёлнинг талабчанлиги, кўрсатма ва маслаҳатлари фермерларга неғадир «ёқмай» қолди. Ўтган йилнинг кузида у уюшмадан кетишга мажбур бўлди.

— Иш шу зайлда давом этаверса, туманда балиқчилик инквизиция юз тутиши мукаррар, — деди у қуёниб биз билан суҳбатда.

Назаримизда, мутахассис ҳақ гапни айтиди. Бу ҳақда энди туман ҳокимлиги ва «Ўзбекистон» акциядорлик компанияси мутасаддилари нима деркин?

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири



Агра. Тож-Маҳал

Противогазлар тарқатилмоқда

Ироқ томонидан Исроилга қарши ҳужум бўлиши эҳтимолигини назарда тутиб, Исроил аҳолиси ва ерда яшовчи нолегал ишчиларга 19 февралдан противогазлар тарқатила бошланди, дея хабар берилади The Jerusalem Post газетасининг инглиз тилидаги сайтыда.

Хорижликлар противогаз олиш учун паспортини кўрсатиб, 200 шекел тўлаш лозим. Улар противогазни қайта топширганларидан сўнг 100 шекел қайтим берилди. Уларнинг 14 ёшга етмаган болалари эса противогазларни текинга олишади. Шунингдек, Исроил фуқаролари ҳам.

Шуни таъкидлаш лозимки, яқинда Исроилнинг барча мактабларида ракета ҳужумидан ҳимояланиш сирлари бўйича ўқув машғулотлари бўлиб ўтди.

«Чорсу буюм бозори» очик акциядорлик жамияти

2003 йил 27 март кунини 2002 йил якунлари бўйича акциядорларнинг навбатдаги умумий йиллик мажлиси ўтказилишини маълум қилади.

1. «Чорсу буюм бозори» ОАЖнинг 2002 йил якуни бўйича иш фаолияти юзасидан жамият бошқаруви раисининг ҳисоботи.

2. Жамиятнинг 2002 йил якуни бўйича молиявий-хўжалиқ фаолияти юзасидан Аудиторлик ҳулосасини тасдиқлаш.

3. Жамиятнинг 2002 йил якуни бўйича молиявий-хўжалиқ фаолияти юзасидан Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.

4. Жамиятнинг 2002 йил молиявий-хўжалиқ ҳисоботи якуни бўйича жамият ишлик балансини тасдиқлаш.

5. Жамиятнинг 2002 йил молиявий-хўжалиқ ҳисоботи якуни бўйича даромадлари тақсимлаш ва дивидендлар миқдори ҳамда уни бериш тартибини тасдиқлаш.

6. Жамиятнинг 2003 йилга мўлжалланган даромадлар ва харажатлар

Самолётлар жўнатилади

НАТО кучлари қўмондони генерал Жеймс Жонс Туркияга AWACS русумидаги разведка самолётларини жўнатишга буйруқ берди. Самолёт энг замонавий кузатув асбоблари билан жиҳозланган бўлиб, шу кунларда Германиядаги Гейленкирхен ҳарбий базасидан Туркиянинг Конья шаҳридаги базага жўнатилади. Улар пайшанба кундан эътиборан разведка парвозларини бошлайдилар, дейилади Associated Press агентлиги ахборотида.

Туркияга AWACSдан нечта жўнатилиши ҳозирча ошқор этилмапти. Ававалроқ НАТО авиациялари барча вазифаларини бажариш учун 5-6 та шундай самолёт етарли бўлишини айтишган эди.

Шунингдек, НАТО қарорига кўра, Туркия ҳаво мудофааси тизими учун Patriot русумидаги 3 та батарея ракеталари комплекси шу ҳафта охирида Нидерландиядан жўнатилади.

Бундан ташқари НАТО Туркияга кимёвий ва биологик ҳужумдан муҳофаза қилиш бўлиминини жўнатишга ҳам тайёр. Фақат Туркия томонидан мамлакат мудофаасини мустақамлаш учун айнан қандай кучларга эҳтиёж борлиги хусусида аввалдан ҳисобот берилиши лозим.

Грипп сабабли...

Россияда грипп эпидемияси сабабли вафот этганлар сони 15 тага ортди, дея хабар берилади «Интерфакс» агентлиги Россия Соғлиқни сақлаш вазирлигининг давлат санэпидназорати департаменти вакили тарқатган маълумотга асосланиб. Улар Санкт-Петербург, Воронеж, Астрахан, Ульяновск, Москва шаҳри ва вилояти, Челябинск, Чита ҳамда Ростов шаҳарларида тааллуқли фуқаролардир.

Департамент вакилининг айтишича, бугунги кунда грипп эпидемияси Россиянинг 40 та ҳудудига тарқалган.

сметасини (иш режасини) тасдиқлаш.

7. Жамиятнинг 2003 йил фаолияти учун жамият Аудиторини тасдиқлаш.

8. Жамият Кузатув Кенгаши тарқатишга ўзгартириш киритиш ҳақида.

9. Жамият Бошқаруви раисини сайлаш ҳақида.

Акциядорларнинг умумий мажлиси жамияти маъмурияти биносида соат 16.00 да бошланади.

Акциядорларни рўйхатга олиш соат 15.00 дан бошлаб амалга оширилади.

Жамият Кузатув Кенгаши

Бизнинг манзил:
Шайхонтохур тумани,
Зарқайнар кўчаси, 1-уй.

Умумий мажлисда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри 2003 йил 25 февраль ҳолати билан ёпилади.

Хикматли сўзлар маъноси

Андишанинг оти — кўркөк

Баъзи одам сермуложа бўлиб, биров нафсониятига тегадиган гап айтса ҳам, унга муносив жавоб қайтаришинг, қаттиқ-қурум гапиришинг ўрни келган бўлса ҳам, узоқ-яқини, орқа-ўнгини ўйлаб, индамайди, ўзини тияди ёки мулойимлик билан жавоб қайтаради, андиша қилади. Баъзи одам эса бунинг фарқига бормади, «мендан кўркиб, индамай турибди» деб ўйлаб, ҳаддидан ошади. Ана шундай ҳолларда «Андишанинг оти кўркөк бўпти-да!» деб, киноя тарзида шу мақолни ишлатадилар.

Аллақайтиб бир бозор, уни ҳам ёмғир бузар

Вар.: «Хафтада бир кун бозор, уни ҳам ёмғир бузар»; «Ойда-йилда бир бозор, мени(нг) ҳамёним безар» (безар — бу ерда «безамоқ», «бежамоқ» маъносида эмас, «безмоқ, ёлқимоқ, зирилламоқ» маъносида); «Ошга пашша тушди». Озиқиб қутилган дамларга энди етдим деганда бирор сабабга кўра иш бўзилса (масалан, киши ора-ҳавас билан тўй қилганда ёғингарчил бўлса ё бирор киши аллақайтиб тўйга ё зиёфатга борса-ю, бирор хунук воқеа содир бўлиб, тўй ё зиёфат унга татимаса), озиқиб қутилган нарсага энди етдим деганда бирор сабабга кўра у нарса қўлга кирмай қолса ва шу каби ҳолларда қўллайдилар.

Навоий вилоят «Балиқчилик» акциядорлик жамияти акциядорларининг 2002 йил якунлари бўйича умумий йиғилиши 2003 йил 24 март куни соат 11.00 да ўтказилади. КУН ТАРТИБИ: 1. Бошқарув органининг 2002 йил якуни бўйича ҳисоботи. 2. Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ва аудитор хулосаси. 3. Йиллик дивидендлар ҳажмини ва тўлов тартибини тасдиқлаш. 4. Кузатув Кенгаши ва Тафтиш комиссиясини янгилаш ҳамда бошқарув органини тасдиқлаш. 5. 2003 йил текшируви бўйича аудиторни тасдиқлаш. 6. Акциядорлик жамиятининг Низомига ўзгартиришлар киритиш. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ.

БОЛАЛАР СПОРТИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ана шундай згуликка хизмат қилаётган Миллий каратэ федерацияси республикамизда болалар ва ўсмирлар ўртасида уч йилдан буён мунтазам мамлакат чемпионатини ўтказиб келмоқда. Бу галги баҳслар ҳар қачонгидан-да юксак савияда уюштирилди. Илгариги чемпионатларда голиблик учун асосий кураш пойтахт-



тахририяти таъсис этган махсус совғалар тақдим этилди.

— Мен Андижон туманидаги физика-математика йуналишидаги 10-мактаб-интернатнинг 9-синфида ўқийман, — дейди биз билан суҳбатда чемпионат совриндорларидан бири Хуршидбек Исоқов. — Дарсдан буш вақтларда укам Хусниддин (1989 йилда туғилган) билан «Тимур» каратэ спорт клубига қатнашимиз. Мурабийимиз Дониёрбек Холматов.

Юртимизнинг ўқтам фарзандлари



Кумитэ баҳсларида мен кумуш, укам эса бронза медалини қўлга киритдик. Мактабда ўқишларимиз аъло. Орузимиз эса Ўзбекистон чемпиони бўлиб, халқаро мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишдир.

Кумитэ баҳсларида мен кумуш, укам эса бронза медалини қўлга киритдик. Мактабда ўқишларимиз аъло. Орузимиз эса Ўзбекистон чемпиони бўлиб, халқаро мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишдир.

Эркин ХОЛБОБО, «Ўзбекистон овози» мухбири

Суратларда: мусобақадан лавҳалар.

Муҳаммад АМИН (ЎЗА) олган суратлар

неча номнациялар бўйича голиблар аниқланиб, уларга «Ўзбекистон овози» газетаси



лик ва қашқадарёлик ёш спортчилар ўртасида кечган бўлса, бу сафарги мусобақа натижаси бошқа вилоятларда ҳам қўлпал иқтидорли каратэчилар етишиб чиқаётганлигини кўрсатди. Ун бир ёш гуруҳи бўйича кечган кат ва кумитэ беллашувида 67 олтин, 67 кумуш, 67 бронза медаллари совриндорлари аниқланди. Мусобақа якунида «Энг ёш қатнашчи», «Ғалабага бўлган иштиёқи учун» сингари бир

ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА !!!

Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ва Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази биржа савдоларига тақлир этади. Биржа савдоари шанба ва якшанба кунларидан ташқари ҳар кун Даваат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси биносининг 4-қаватида ўтказилади. Биржа савдоларига қўйидаги объектлар қўйилади. «ТМБМ»да биржа савдосида турган муниципал мулк объектлари рўйхати.

Table with columns: №, Виллоятда турмуш ташкилот номи, Объект маълумоти, Майдон, кв.м., Савдога қўйилган сана, Бошланғич нархи, сўм, Савдо тури. Contains 38 rows of property listings.

Table with columns: №, Тошкент шаҳар ҳокимлиги Биноларни фойдаланиш департаменти, Объект маълумоти, Майдон, кв.м., Савдога қўйилган сана, Бошланғич нархи, сўм, Савдо тури. Contains 38 rows of property listings.

Биржа савдоларида қатнашиш учун харидорлар Тошкент шаҳар муниципал биржа марказида шартнома имзолashi лозим. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16 а-уй. Телефонлар: 133-20-74, 132-25-51.

КИМОШДИ САВДОСИГА МАРҲАМАТ!

Тошкент шаҳар ҳокимиятининг қарорига асосан тасдиқланган «Суд қарорлари асосида давлат фойдасига мусодара қилинган автотранспорт воситаларини кимошди (аукцион) савдосида сотилишини ташкил этиш доимий ҳайъати томонидан

2003 йил 25-28 февраль кунлари соат 11.00 да

Тошкент шаҳар, А. Икромов тумани, Фарҳод ярмаркаси 3-қаторда жойлашган «Тулпор» дўконидан

давлат фойдасига ўтказилган автотранспорт воситаларининг кимошди (аукцион) савдолари ўтказилади.

Савдоларга давлат фойдасига мусодара этилган қўйидаги автотранспорт воситалари қўйилади:

- «Пантиак», 1990 йилда ишлаб чиқарилган. Бошланғич нархи — 1 500 000 сўм. «БМВ-324», 1986 йилда ишлаб чиқарилган. Бошланғич нархи — 350 000 сўм. «Тойота-корона», 1991 йилда ишлаб чиқарилган. Бошланғич нархи — 300 000 сўм. «ГАЗ-33021», 1996 йилда ишлаб чиқарилган. Бошланғич нархи — 950 000 сўм. «Форд Сиерра», 1991 йилда ишлаб чиқарилган. Бошланғич нархи — 1 000 000 сўм. «Мерседес Бенц», 1993 йилда ишлаб чиқарилган. Бошланғич нархи — 850 000 сўм. «Шкода-Фелиция», 1997 йилда ишлаб чиқарилган. Бошланғич нархи — 1 200 000 сўм. «Пежо», 1989 йилда ишлаб чиқарилган. Бошланғич нархи — 1 000 000 сўм. «Ауди-80», 1991 йилда ишлаб чиқарилган. Бошланғич нархи — 1 000 000 сўм. «Леганза», 1998 йилда ишлаб чиқарилган. Бошланғич нархи — 7 500 000 сўм. «ВАЗ 2131 Нива», 1998 йилда ишлаб чиқарилган. Бошланғич нархи — 2 000 000 сўм. «РАФ-22031», 1987 йилда ишлаб чиқарилган. Бошланғич нархи — 750 000 сўм. «Хундай Галлопер», 1994 йилда ишлаб чиқарилган. Бошланғич нархи — 2 000 000 сўм. «Пежо-205», 1994 йилда ишлаб чиқарилган. Бошланғич нархи — 600 000 сўм. «Кия Спортаж», 1998 йилда ишлаб чиқарилган. Бошланғич нархи — 4 000 000 сўм. «Опель рекорд», 1982 йилда ишлаб чиқарилган. Бошланғич нархи — 850 000 сўм. «Рено», 1995 йилда ишлаб чиқарилган. Бошланғич нархи — 1 000 000 сўм. «ЗАЗ-965», 1984 йилда ишлаб чиқарилган. Бошланғич нархи — 25 000 сўм.

Advertisement for Bosh Muharrir Safar Ostonov, Tahrir Hayati, and various services. Includes contact information and a list of services like 'Siyosat, partiya va xalqaro hayot', 'Ma'naviyat va ma'rifat', etc.